

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЁҚУБОВ СУХРОББЕК КЎПАЛОВИЧ

**ТУРЛАРАРО МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАРНИ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ГЕНЕТИК-ЦИТОЛОГИК БАҲОЛАШ
АСОСИДА СЕЛЕКЦИЯ УЧУН БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Матёкубов Сухроббек Кўпалович

Турлараро мураккаб дурагайларни қимматли хўжалик белгилари бўйича
генетик-цитологик баҳолаш асосида селекция учун бошланғич ашё
яратиш.....3

Матёкубов Сухроббек Купалович

Создание исходного материала для селекции на основе генетико-
цитологической оценки хозяйственно-ценных признаков межвидовых
сложных гибридов хлопчатника.....19

Matyokubov Sukhrobbek Kopalovich

Developing of an initial materials for breeding on basis of genetic-cytological
estimating of agronomic-valuable traits of interspecific cotton hybrids35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЁҚУБОВ СУХРОББЕК КЎПАЛОВИЧ

**ТУРЛАРАРО МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАРНИ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ГЕНЕТИК-ЦИТОЛОГИК БАҲОЛАШ
АСОСИДА СЕЛЕКЦИЯ УЧУН БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3.PhD/Qx451 рақам билан** рўйхатга олинган.

Диссертация нини Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuvaiti.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шадман Эргашович
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиева Саида Абдусаматовна
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

Жумашев Мамур Мусахонович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD 05/27.02.2020. Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» май соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (1278 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел.: (99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» апрель куни тарқатилди.

(2021 йил « » даги - рақамли реестр баённомаси)



А.Э.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.

А.Б.Амантурдиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда пахта етиштирувчи давлатларда мавжуд ғўза генофондидан фойдаланиш асосида пахтачиликни ривожлантириш, хусусан ҳосилдорликни ошириш ва тола сифатини яхшилашга доир илмий изланишлар долзарблигини йўқотмаган. «Маълумки, дунёдаги пахта етиштирувчи давлатлар 100 дан ортиқ бўлиб»¹, тола ҳосили бўйича юқори ўринларни Австралия (2,3 т/га), Бразилия (1,76 т./га) ва Хитой (1,72 т./га) каби давлатлар эгаллаб, Ўзбекистонда эса, тола ҳосилдорлиги 0,75 т./га ташкил этади². Бу эса, республикамиз генофондидаги ёввойи ғўза намуналарини жалб этиш орқали хўжалик учун қимматли белгилар бўйича ноёб донорларни аниқлаш ва уларни селекция жараёнига жалб этиш борасидаги тадқиқотларни кучайтиришни талаб этади.

Дунёдаги кўплаб пахта етиштирувчи давлатларида турли дурагайлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда, ғўза генофондидаги мавжуд ёввойи ва маданий турларга мансуб намуналарнинг донорлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда яратилган турлараро дурагайларнинг цитологик ва генетик хусусиятларини ўрганиш орқали улардан амалий селекцияда самарали фойдаланиш борасида кенг изланишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган изланишлар натижасида турлараро дурагайлаш услуби орқали ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ноёб дурагайлари ва янги навларини яратиш мумкинлиги исботланган.

Республикамиздаги ғўза генофондида ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган кўплаб ёввойи турларга мансуб намуналар мавжуд. Масалан, диплоид ғўза турлари *G.thurberi* Tod. вертициллёз вилтга ва гоммозга, гуллаш ва етилиш даврида курфоқчиликка, *G.davidsonii* Kell., *G.raimondii* Ulbr., *G.klotzschianum* Anders., санчиб-сўрувчи зараркундаларга, *G.trilobum* Skovsted, *G.thurberi* Tod., *G.sturtianum* Will. - паст ҳароратга чидамлилиқ каби хусусиятларига эга бошланғич ашёлардан ҳисобланади. Ушбу турларга хос ноёб белгиларни амалий селекция жараёнига жалб этиш ҳамда уларни дурагайларда ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда соҳадаги ишларни ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси”да «...касаллик ва зараркундаларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар ишларини кенгайтириш» долзарб аҳамият касб этади»³. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги

¹ Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

² FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги давлат дастури

⁴қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли геномларга мансуб ёввойи ва ярим ёввойи ғўза намуналари иштирокидаги турлараро дурагайлари генетик-цитологик жиҳатларини ўрганиш ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, P.D.Gadkari; Saha S. et al.; A.Skovsted; Л.Г.Арутюнова ва бошқ.; Ж.А.Мусаев; А.А.Абдуллаев; К.Ф.Гесос; М.П.Пўлатов; Г.Э.Кулбоева; М.Ф.Санамьян; Ш.Э.Намазов; С.Ғ.Бобоев; А.Муратов; Ҳ.Р.Содиқов ва бошқалар тадқиқотлар ўтказишган. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти “Ќўза генетикаси ва цитологияси” ва Ўзбекистон Миллий Университетининг “Цитогенетика” лабораторияси олимлари турлараро ғўза дурагайлари цитологик ва генетик жиҳатларини ўрганиш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотларимизда турлараро дурагайлаш орқали яратилган генетик жиҳатдан бойитилган янги интрогрессив ғўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий ва махсус комбинацион қобилиятини топкросс дурагайлаш услубида баҳолаш, дурагайларда хромосомаларнинг турли хил кариотипик бузилишларини ҳамда айрим хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги № ВА-КХФ-5-027 «Турли дурагайлаш тизимлари асосида яратилган янги ғўза тизмалари ва навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилиятлари ҳамда биотик омилларга бардошлилигининг генетик ва биокимёвий механизмларини аниқлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади янги интрогрессив ғўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича донорлик хусусиятларини аниқлаш, мураккаб генетик асосга эга дурагайларда белгиларнинг

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сонли қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарори

ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши борасидаги генетик ҳамда цитологик қонуниятлари асосида амалий селекция учун бошланғич ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги яратилган генетик жиҳатдан бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг донорлик қобилиятини топкросс чатиштириш усули ёрдамида аниқлаш;

генетик жиҳатдан фарқ қилувчи интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида яратилган F_1 - F_4 дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигига қиёсий баҳо бериш;

турлараро дурагайларнинг *V.dahliae* Kleb замбуруғининг турли ирқлари билан кучли зарарланган табиий муҳитдаги бардошлилигини аниқлаш;

интрогрессив ғўза тизмалари ва улар иштирокида яратилган дурагайларнинг пуштлилик даражаси, спорадалар таҳлили ва хромосома конъюгацияси каби айрим цитогенетик хусусиятларини таҳлил қилиш;

яратилган селекцион ашёларни қимматли хўжалик белгилари бўйича меъёрига етказиш ва амалий селекцияда фойдаланиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ПСУЕАИТИ нинг “Ќўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида турли йилларда яратилган ўрта толали ғўзанинг Султон нави, Т-4672-73/16, Т-4674-77/16, Т-4679-81/16, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-158/16, Т-200/16, Т-МВГ/16, Т-58/16, Т-1979/16, Т-175/248/16, Т-12/06/16, Т-4747-48/16, Т-БСГ/16, Т-588/16 интрогрессив тизмалари ҳамда андоза нав сифатида ўрта толали ғўзанинг С-6524 навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турлараро дурагайлаш асосида яратилган генетик жиҳатдан бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилияти, белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлиги, айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ҳамда чангчиларнинг пуштлилиги, мейотик индекси ва спорадалар таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Генетик-селекцион тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», топкросс услуби С.П.Яковлев, Б.Н.Болдырихина (1979) да, доминантлик даражаси M.G.Beil, E.R.Atkins (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича, цитологик тадқиқотлар “Laboval” (Carl Zeiss, Германия) ва АХЮСКОРЕ А.1 (Carl Zeiss, Германия) микроскопида (10х, 20х, 100х ва бинокуляр насадка) ёрдамида, микрофотографиялаш рақамли фотокамера Mikroskopkamera AxioCam ERc5s ёрдамида, экспонироялаш яшил светофильтр ЗС-11-3 орқали ўтказилиб, “Sporada” ва “Pollen” дастурлари ёрдамида таҳлил қилинган ҳамда Б.А.Доспехов (1985) услубида статистик кўрсаткичларнинг катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, турли генетик асосга эга бўлган янги Т-4684-86/16, Т-4679-81/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-200/16, Т-БСГ/16, Т-12/06/16

ва Т-1979/16 интрогрессив ғўза тизмаларининг комбинацион қобилиятига баҳо берилган ва улардан хўжалик учун қимматли белгилар бўйича қимматли донорлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

янги интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида яратилган F_1 мураккаб дурагайларида аксарият ўрганилган хўжалик учун қимматли белгилари бўйича барча хилдаги ирсийланиш, яъни ижобий ва салбий оралик, тўлик доминантлик ҳамда гетерозис юз бериши аниқланган;

янги интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида олинган F_2 - F_3 мураккаб дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни каби белгилар бўйича кенг ўзгарувчанлик кузатилиши ҳамда ушбу белгилар бўйича ижобий рекомбинантларни танлаш асосида қимматли селекцион ашёларни яратиш мумкинлиги тасдиқланган;

турлараро мураккаб дурагайлаш орқали яратилган янги селекцион ашёларни *V.dahliae* замбуруғининг аралаш ирқлари билан кучли зарарланган муҳитда касалланишини ўрганиш орқали Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 тизмаларининг нисбатан бардошлилиги аниқланган ҳамда генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

илк маротаба интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда уларнинг Султон нави иштирокида яратилган дурагайларида пуштлилик даражаси, спородалар миқдори ҳамда мейоз жараёнидаги хромосомалар конъюгацияси каби цитогенетик кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турлараро дурагайлаш услуби орқали генетик жиҳатдан бойитилган ноёб интрогрессив ғўза оилалари, тизмалари ва нав яратилган;

илмий изланишлар асосида янги яратилган Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 тизмалари ва С-7316 нави андоза С-6524 навига нисбатан айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича устунликни намоён қилган ҳамда кейинги амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги интрогрессив тизмаларини дурагайлаш ишлари, дала ва лаборатория тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган маълумотларни математик-статистик услубларда қайта ишланганлиги; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интрогрессив ғўза тизмалари орасидан айрим хўжалик учун қимматли белгилар бўйича юқори УҚКга эга бўлгани ноёб донорлар аниқланганлиги, ушбу тизмалар ва улар иштирокида яратилган турлараро мураккаб дурагайлари цитологик жиҳатдан баҳолангани ҳамда интрогрессив ғўза тизмаларидан трансгрессив ўзгарувчанликни

ошириш ва айрим қимматли хўжалик белгиларни яхшилашда самарали фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турлараро дурагайлаш асосида вертициллёз вилтга бардошли, тола чиқими ва сифати юқори, йирик кўсақлик каби белгилар мажмуасига эга генетик жихатдан бойитилган янги Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда С-7316 нави яратилгани ва кейинги амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турлараро мураккаб дурагайларни қимматли хўжалик белгилари бўйича генетик-цитологик баҳолаш асосида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

турлараро дурагайлаш усули орқали қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга, вертициллёз вилтга бардошли, юқори ҳосилдор, тезпишар ва тола чиқими юқори бўлган Т-470/1/16 ва Т-2020/5 тизмалари яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 02/020-4664-сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган ғўза тизмаларидан генетик тадқиқотлар ва қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга навлар селекцияси жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланилмоқда.

қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга, *V.dahliae* касаллигига бардошли, ҳосилдор ва тола чиқими юқори бўлган янги С-7316 ғўза нави Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Оққўрғон тажриба хўжалиги” майдонларига жорий этилиб, бирламчи уруғчилиги ташкил этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 02/020-4664-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур навнинг ўртача пахта ҳосилдорлиги 36,2 ц/га.ни ташкил этиб, андоза С-6524 навига нисбатан 3,0-4,5 ц/га юқори ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 25,5-28,0 фоизга ошган.

ўрта толали С-7316 ғўза нави 2020 йилда Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг “Грунтназорат” нав синовига ўрганилиб, нав тозаллиги 96% дан юқори бўлганлиги учун 2021 йилдан Марказнинг турли тупроқ-иклим шароитларида жойлашган нав синаш станция ва участкаларида фойдали белгилари бўйича конкурс нав синовига жорий этилди (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг 2021 йил 5 январдаги №Т-6/01-07-3 сон маълумотномаси). Натижада, ғўза генофондини қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга ҳамда тола сифати IV-типга мансуб ва ҳосилдорлиги юқори бўлган нав билан бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган ҳамда мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикаимиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Жумладан, цитологик, генетик-селекцион тадқиқотлар натижалари, истиқболлари, ютуқлари ва камчиликлари ҳамда селекцион изланишларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича натижалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба олиб бориш жойи, шароити, тадқиқот манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида изланишларни амалга ошириш, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар 2017-2020 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг “Ўза генетикаси ва цитологияси” лабораторияси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Генетика кафедраси “Цитогенетика” лабораторияси билан ҳамкорликда олиб борилганлиги келтирилган. Диссертацияда математик ва статистик таҳлиллар қабул қилинган услублар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Асосий хўжалик учун қимматли белгиларининг F₁ – F₄ дурагайларида шаклланиши бўйича тадқиқотлар натижалар**» деб номланган учинчи бобида ўтказилган айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича олиб борилган генетик-селекцион тадқиқотлар таҳлил қилинган. Жумладан, янги яратилган интрогрессив ўза тизмаларининг комбинацион қобиляти, тезпишарлик, тола чиқими, тола узунлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни, айрим белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар ҳамда ўргимчаккана

ва *V.dahliae* касаллигига бардошлилиги бўйича натижалари ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи “Янги ғўза тизмаларининг айрим хўжалик белгилар бўйича комбинацион қобилиятини аниқлаш” қисмида турлараро мураккаб дурагайлаш услуби орқали яратилган генотиби бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг асосий хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий (УКҚ) ва махсус (МКҚ) комбинатив қобилиятига топкросс дурагайлаш услуби ёрдамида баҳо берилган.

Тадқиқотлар асосида ўрганилган тизмаларнинг аксарияти ушбу белгилар бўйича қимматли донорлик қобилиятига эга эканлиги аниқланган.

Жумладан, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16 ва Т-1979/16 интрогрессив ғўза тизмалари “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” даври (мос равишда, $G2si=-0,47$; $G2si=-0,58$; $G2si=-1,02$; $G2si=-0,24$ ва $G2si=-0,62$), тола чиқими (мос равишда, $G2si=2,20$; $G2si=1,62$; $G2si=4,32$; $G2si=4,48$ ва $G2si=1,77$) ва тола узунлиги (мос равишда, $G2si=3,49$; $G2si=3,24$; $G2si=3,45$; $G2si=3,07$ ва $G2si=0,74$) бўйича ҳамда Т-4679-81/16, Т-200/16 ва Т-12/06/16 тизмалари “ниҳол униб чиқиш-50% пишиш” даври, (мос равишда, $G2si=-0,24$; $G2si=-0,24$ ва $G2si=-0,12$) ва тола чиқими (мос равишда, $G2si=2,68$, $G2si=1,52$, $G2si=0,58$) бўйича юқори УКҚ га эгаллиги, яъни ушбу белгилар бўйича қимматли донорлар эканлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Янги интрогрессив ғўза тизмаларининг айрим белгилар бўйича (УКҚ) комбинатив қобилияти

Тизмалар	“Ниҳол униб чиқиш-50 % пишиш”		Тола чиқими		Тола узунлиги	
	Султон	УКҚ самараси (gi)	Султон	УКҚ самараси (gi)	Султон	УКҚ самараси (gi)
Т-4672-73/16	106,7	-0,13	35,5	-1,67	35,3	4,01
Т-4674-77/16	107,0	0,76	37,6	-1,67	34,9	3,94
Т-4679-81/16	107,0	-0,24	37,4	2,68	32,6	-1,72
Т-4684-86/16	106,0	-0,47	38,6	2,20	33,7	3,49
Т-138/16	106,0	-0,58	38,2	1,62	34,2	3,24
Т-470/1/16	106,3	-1,02	37,1	4,32	34,2	3,45
Т-95/16	107,7	-0,24	36,5	4,48	33,5	3,07
Т-158/16	106,3	0,42	35,7	-1,14	34,6	3,79
Т-200/16	107,3	-0,24	36,4	1,52	33,2	-1,02
Т-МВГ/16	109,0	1,76	37,5	1,47	35,0	2,52
Т-58/16	106,5	1,52	35,2	-1,06	35,2	1,41
Т-1979/16	105,5	-0,62	38,2	1,77	34,0	0,74
Т-175/248/16	107,0	0,98	38,0	-1,23	33,6	-0,48
Т-12/06/16	106,5	-0,12	37,3	0,58	35,8	-0,56
Т-4747-48/16	106,0	-0,13	36,2	-0,42	34,4	0,68
Т-БСГ/16	106,5	-0,45	37,5	-1,85	34,2	2,92
Т-588/16	111,0	1,98	36,2	-0,74	34,9	1,09
УКҚ самараси (gi)	0,24		0,10		0,01	
МКҚ варианси ($G2si$)	-0,31		-1,33		-0,42	

Ушбу бобнинг иккинчи “ F_1 - F_4 дурагайларида тезпишарликнинг ирсийланиши” қисмида F_1 - F_4 дурагайларида “ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш” ва “ниҳол униб чиқиш-50% пишиш» даврларининг ирсийланиш ва шаклланиши таҳлил қилинган. Тадқиқотлар асосида 12 та F_1 дурагайларида салбий даражада тўлиқ доминантлик ва салбий оралик гетерозис, яъни

тезпишарлик кузатилган. Қолган 5 та дурагайларда ижобий кучли ва оралик даражадаги ирсийланиш, яъни кечпишарлик намоён бўлган. F₂ дурагайларида “ниҳол униб чиқиш-50% пишиш» даври 107,5-112,6 кун оралиғида бўлди, F₃ дурагайларида 116-120 кун оралиғида ва F₄ дурагайларида 116-123 кунгача бўлганлиги аниқланган. Тезпишарлик белгисининг F₁-F₄ дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганиш орқали чатиштиришларга жалб этилган тизмаларнинг келиб чиқишида иштирок этган ота-оналик генотипига боғлиқ ҳолда ирсийланиши ҳамда кейинги авлодлардаги танлаш йўналишига қараб шаклланиши хулоса қилинган.

Бобнинг учинчи “F₁-F₄ дурагайларида тола чиқимининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” қисмида F₁ дурагайларида «тола чиқими» белгисининг асосан доминант тарзда ирсийланиши аниқланган. Тажриба натижаларига асосан тола чиқимининг ирсийланишига кўра F₁T-МВГ/16 х Султон, F₁T-175/248/16 х Султон, F₁T-4747-48/16 х Султон ва F₁T-БСГ/16 х Султон дурагайлари тегишли тарзда 38,5%; 38,4%; 38,4% ва 37,5% каби натижалар олинган (2-жадвал).

2-жадвал.

F₁-F₄ дурагайларида тола чиқимининг ирсийланиши

№	Комбинациялар	F ₁			F ₂		F ₃		F ₄	
		M±m	V%	hp	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
1	T-4672-73/16 х Султон	37,8±0,89	5,29	1,44	33,5±1,51	14,30	35,2±1,20	12,81	35,0±1,12	7,48
2	T-4674-77/16 х Султон	41,5±1,15	6,22	1,27	33,3±1,22	14,29	37,9±1,13	11,16	36,5±1,10	7,06
3	T-4679-81/16 х Султон	42,2±0,72	6,86	2,56	33,2±1,09	12,75	36,8±0,97	9,92	35,5±0,87	5,82
4	T-4684-86/16 х Султон	41,3±1,22	6,63	1,65	35,1±0,90	12,88	39,4±0,60	5,74	36,0±0,42	3,74
5	T-138/16 х Султон	39,6±0,89	5,04	0,60	35,5±0,97	13,70	39,4±0,52	5,03	36,5±1,02	6,03
6	T-470/1/16 х Султон	40,5±1,27	7,02	1,19	31,9±0,68	10,64	38,9±0,63	6,09	35,6±1,13	7,59
7	T-95/16 х Султон	37,4±1,33	7,99	0,12	33,5±0,86	12,88	38,5±0,54	5,26	35,5±1,44	8,26
8	T-158/16 х Султон	38,3±1,08	6,32	0,74	35,3±0,74	10,51	34,9±0,93	10,05	34,8±1,93	12,15
9	T-200/16 х Султон	38,4±1,12	6,53	1,23	35,2±1,03	11,42	37,6±0,85	8,50	37,0±0,71	5,45
10	T-МВГ/16 х Султон	38,5±1,19	6,91	0,70	37,4±0,91	11,13	37,4±0,92	9,29	37,9±0,62	5,39
11	T-58/16 х Султон	37,2±1,13	6,84	0,41	33,6±1,22	15,90	36,2±1,00	10,35	34,6±1,01	6,00
12	T-1979/16 х Султон	38,5±1,72	10,01	0,76	36,9±0,73	9,98	36,0±0,77	8,07	35,5±1,87	10,10
13	T-175/248/16 х Султон	38,4±1,61	9,42	0,70	38,9±1,27	13,14	37,6±0,94	9,42	38,2±0,91	6,22
14	T-12/06/16 х Султон	38,3±1,24	7,25	0,35	33,7±1,38	18,29	37,7±0,88	8,72	34,8±0,81	5,70
15	T-4747-48/16 х Султон	38,4±1,08	6,33	15	38,8±1,09	8,90	36,3±0,56	5,82	37,0±0,50	4,92
16	T-БСГ/16 х Султон	37,5±1,38	8,28	0,26	37,2±0,72	9,15	38,4±1,19	9,66	37,0±1,16	8,06
17	T-588/16 х Султон	38,2±0,87	5,11	1,45	34,0±0,78	11,47	35,5±0,87	9,19	35,0±0,80	5,69

Тола чиқими бўйича ушбу комбинацияларнинг F₂ да, 37,4%; 38,9%; 38,8% ва 37,2%, F₃ да 37,4%, 37,6%, 36,3% ва 38,4%, F₄ авлодда эса, 37,9%, 38,2%, 37,0% ва 37,0% каби натижалар олинган.

Бу эса, кейинги тадқиқотларда мазкур дурагайлар тола чиқими бўйича қимматли бошланғич ашё бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Бобнинг тўртинчи “F₁-F₄ дурагайларида тола узунлигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” қисмида F₁ дурагайларида «толанинг штапель узунлиги» ўрганилиб, белги бўйича ижобий ва салбий гетерозис юз бериши аниқланган. Белги бўйича F₂-F₃ дурагайларида кенг ўзгарувчанлик, F₄ авлодда эса, тола узунлиги 36 мм дан юқори бўлган қимматли рекомбинант

ўсимликлар пайдо бўлиши, яъни аввалги авлодларга нисбатан айрим комбинацияларда белгининг ўзгарувчанлик даражаси ошиши аниқланди. Ўрганилган дурагайларда “толанинг штапель узунлиги”нинг ўзгарувчанлиги ва ирсийланишини таҳлили асосида белги бўйича ижобий трансгрессив ўсимликларнинг ажралиб чиқиши F_3 - F_4 авлодларда кузатилиши тасдиқланган.

Бобнинг бешинчи “ **F_1 - F_4 дурагайларида бир дона кўсак вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**” қисмида F_1 – F_4 авлод дурагайларида бир дона кўсакдаги пахта вазни белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил этилган. Бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича F_1 дурагайларидан 5 тасида ижобий гетерозис аниқланди ва 12 тасида салбий гетерозис аниқланган. Белги бўйича F_2 - F_3 дурагайларининг вариацион таҳлили асосида ижобий трансгрессив ўсимликлар ажралиб чиқишининг ўнг тарафга оғиш кузатилган.

Бобнинг олтинчи “**Яратилган селекцион ашёларда айрим морфоҳўжалик белгиларнинг шаклланиши**” қисмида тадқиқотлар асосида яратилган турли хил селекцион ашёларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланишини ўрганиш борасидаги натижалар келтирилган. Янги ғўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича шаклланиш жараёнини ўрганиш асосида турлараро дурагайларнинг аксарият хўжалик белгилари бўйича барқарорлашгани тасдиқланган.

Бобнинг еттинчи “ **F_1 - F_3 дурагайларида вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.)га бардошлиликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**” қисмида турлараро чатиштириб олинган дурагайларнинг вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.) га толерантлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. *Verticillium dahliae* Kleb. нинг аралаш ирқлари билан табиий кучли зарарланган табиий муҳитда ўтказилган тадқиқотларда ғўза тизмаларининг толерантлиги юқори эканлиги аниқланиб, вертициллёз вилтга бардошли навлар селекцияси учун бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланган.

Бобнинг саккизинчи “ **F_1 - F_3 дурагайларида ўргимчакканага бардошлиликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**” қисмида яратилган дурагайларда ўргимчакканага бардошлиликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги борасида тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, чатиштириб олинган дурагайларнинг барчаси андоза С-6524 навига нисбатан (15,1% умумий зарарланган) бардошли эканлиги аниқланган. Дурагайлар орасида F_3 T-470/1/16 х Султон (5,15%), F_3 T-95/16 х Султон (10,14%), F_3 T-4679-81/16 х Султон (5,33%) умумий зарарланиш бўйича нисбатан юқори натижалар кузатилган.

Бобнинг тўққизинчи “ **F_2 - F_3 дурагайларида айрим хўжалик белгиларнинг корреляцияси**” қисмида турлараро чатиштириб олинган дурагайларда айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиш натижалари ёритилган. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида тола чиқими ва тола узунлиги орасида корреляцион боғлиқлик F_2 T-95/16 х Султон ($r=0,35$), F_2 T-158/16 х Султон ($r=0,35$), F_2 T-200/16 х Султон ($r=0,39$), F_2 T-58/16 х Султон ($r=0,33$),

F₂T-1979/16 х Султон (r=0,40), F₂T-4747-48/16 х Султон (r=0,10), ҳамда F₃T-БСГ/16 х Султон (r=0,32), F₃T-1979/16 х Султон (r=0,55), F₃T-158/16 х Султон (r=0,25), F₃T-138/16 х Султон (r=0,20) ва F₃T-4674-77/16 х Султон (r=0,14) дурагайларида ижобий эканлиги аниқланган. Тола узунлиги ва бир дона кўсақдаги пахта вазни ўртасида F₂T-4672-73/16 х Султон (r=0,11), F₂T-158/16 х Султон (r=0,18), F₂T-200/16 х Султон (r=0,11) F₂T-58/16 х Султон (r=0,31), F₂T-1979/16 х Султон (r=0,19), F₂T-БСГ/16 х Султон (r=0,17) ҳамда F₃T-4684-86/16 х Султон (r=0,13), F₃T-470/1/16 х Султон (r=0,17), F₃T-95/16 х Султон (r=0,21) ва F₃T-588/16 х Султон, F₃T-12/06/16 х Султон, F₃T-МВГ/16 х Султон каби дурагайларда кучсиз ижобий, F₃T-200/16 х Султон (r=0,45) ва F₃T-4674-77/16 х Султон (r=0,40) дурагайларида ўртача ижобий боғлиқлик кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

F₂-F₃ дурагайларида айрим белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик

Дурагай комбинациялар	F ₂				F ₃			
	Тола узунлиги ва тола чиқими		Тола узунлиги ва бир дона кўсақдаги пахта вазни		Тола узунлиги ва тола чиқими		Тола узунлиги ва бир дона кўсақдаги пахта вазни	
	r	t	r	t	r	t	r	t
T-4672-73/16 х Султон	-0,42	7,33	0,11	4,67	0,05	0,69	-0,26	5,0
T-4674-77/16 х Султон	-0,3	1,22	-0,39	7,02	0,14	0,008	0,40	1,46
T-4679-81/16 х Султон	-0,79	4,68	-0,61	2,50	0,10	0,002	-0,46	1,85
T-4684-86/16 х Султон	-0,28	8,0	-0,14	2,52	-0,31	5,82	0,13	2,64
T-138/16 х Султон	-0,47	3,47	-0,30	1,71	0,20	1,13	-0,19	1,23
T-470/1/16 х Султон	-0,11	2,56	-0,33	1,91	-0,26	2,74	0,17	4,66
T-95/16 х Султон	0,35	3,17	0,78	1,62	0,01	9,17	0,21	2,30
T-158/16 х Султон	0,35	3,12	0,18	5,11	0,27	0,18	-0,09	5,05
T-200/16 х Султон	0,39	2,51	0,11	4,12	-0,48	0,002	0,45	6,63
T-МВГ/16 х Султон	-0,54	5,32	-0,08	3,25	0,045	0,05	0,03	2,74
T-58/16 х Султон	0,33	4,06	0,31	1,64	-0,27	0,54	-0,18	3,19
T-1979/16 х Султон	0,40	4,79	0,19	1,04	0,55	0,03	-0,21	1,18
T-175/248/16 х Султон	-0,38	2,69	-0,36	1,62	-0,09	0,002	-0,33	1,23
T-12/06/16 х Султон	-0,12	5,94	0,41	5,75	-0,04	0,01	0,06	1,5
T-4747-48/16 х Султон	0,10	2,38	-0,48	2,52	-0,08	0,006	-0,1	3,29
T-БСГ/16 х Султон	-0,26	8,53	0,17	2,07	0,32	7,22	-0,53	1,27
T-588/16 х Султон	-0,05	8,81	0,09	5,22	-0,15	0,0002	0,07	6,4

Диссертациянинг «Турлараро мураккаб дурагайлари цитологик баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида F₁-F₄ дурагайларида ўтказилган турли хил цитологик тадқиқотлар баён қилинган. Жумладан, хромосомалар конъюгацияси, спорадалар таҳлили, чангчиларнинг пуштлилик даражаси бўйича цитологик тадқиқотлар олиб борилган.

Мазкур бобнинг биринчи «Султон нави иштирокида яратилган янги мураккаб турлараро F₁-F₄ ғўза дурагайларида мейоз жараёни таҳлили» қисмида Султон нави иштирокида чапиштириб олинган дурагайларда хромосомалар конъюгацияси таҳлил қилинган. Ўрганилган дурагайларда конъюгацияланган хромосомаларнинг тетрадаларга бўлиниши ва уларнинг мутаносиблик даражасини ўрганиш асосида мейознинг барқарор кечиши аниқланган. Мейоз жараёнида айрим дурагайларда унивалентлар бўлиши

аниқланиб, чатиштирилган шаклларнинг гомеологик хромосомаларида структуравий алоҳидалик кузатилганлиги аниқланган.


Мазкур бобнинг иккинчи “Султон нави иштирокида яратилган дурагайларда тетрадалар таҳлили” қисмида Султон нави иштирокидаги F_1 – F_4 дурагайларида тетрадалар таҳлили натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра, ўрганилаётган дурагайларда микроядроли тетрадалар улуши $0,03 \pm 0,03$ дан $0,15 \pm 0,04\%$ гача эканлиги яъни унча катта бўлмагани аниқланган. Фақатгина $F_2T-4679-81/16$ х Султон дурагайида микроядроли тетрадалар улуши ошиб кетди ($0,28 \pm 0,11$). Тадқиқотлар асосида селекция жараёнларни тўғри олиб бориш орқали микроядроли тетрадалар фоизини камайтириш ва дурагайларни турғунлашишига олиб келиш мумкинлиги аниқланган.

Мазкур бобнинг учинчи “ F_1 - F_4 дурагайларида чангчиларнинг пуштлилиги” қисмида яратилган турлараро дурагайларда чангчиларнинг пуштлилиги бўйича олиб борилган изланишлар таҳлил қилинган.

Таҳлил натижаларига кўра, дурагайлашда иштирок этган 17 та интрогрессив ғўза тизмаларидан 16 тасида чангчаларнинг пуштлилик даражаси юқорилиги ($98,40 \pm 0,41\%$) ва фақатгина $T-4672-73/16$ тизмасида чангчаларнинг пуштлилик даражаси нисбатан пасайиб кетгани ($84,62 \pm 1,06\%$) аниқланган. F_1 - F_4 авлодларда чангларнинг пуштлилик даражасини ўрганиш асосида F_1 дурагайларида $80,47 \pm 1,27$ дан $97,40 \pm 0,44$ гача, F_2 да $86,54 \pm 1,28$ дан $97,52 \pm 0,68$ гача, F_3 да $78,33 \pm 1,48$ дан $98,70 \pm 0,30$ гача эканлиги ҳамда F_4 да пуштлилик даражаси $89,43 \pm 1,60$ ($F_4T-4672-73/16$ х Султон) дан $96,77 \pm 0,66\%$ ($F_4T-4674-77/16$ х Султон) гача ораликда эканлиги аниқланган (1-расм).

1-расм.

Турлараро F_1 - F_4 дурагайларида чангчиларнинг пуштлилик даражаси



Диссертациянинг «Тадқиқотлар асосида эришилган амалий натижалар» деб номланган бешинчи бобида илмий изланишлар асосида ажратиб олинган айрим янги ғўза тизмаларининг лаборатория синовлари натижалари ҳамда янги яратилган ўрта толали С-7316 ғўза навининг конкурс (катта) нав синови натижалари баён этилган. Кўп йиллик илмий изланишлар

асосида янги Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 ғўза тизмалари яратилган. Ушбу тизмалар андоза С-6524 навига нисбатан айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича устунликни намоён қилгани учун кейинги амалий селекция жараёни учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилган (4-жадвал).

4-жадвал

Илмий изланишлар натижасида яратилган янги ғўза тизмаларининг айрим хўжалик белгилари

Оилалар	Келиб чиқиши	Тола чикими %	Тола узунлиги, мм	Бир дона кўсақдаги пахта вазни, гр	Эрта пишарлиги, кун	1000 дона чигит массаси, гр
		M±m	M±m	M±m	M±m	M±m
Т-29/07	F ₁₆ К-58(тип <i>arboreum</i>)	36,4	35,6	6,0	115	121
Т-29/08	F ₃₁ К-69	36,7	34,1	5,9	118	120
Т-470/1/16	Л-470/1/16	37,4	34,0	6,0	115	120
Т-2020/5	F ₄ Т-4674-77/16 х Султон	36,0	35,5	5,5	119	122
Т-2020/7	F ₄ Т-4679-81/16 х Султон	38,2	35,4	6,2	120	125
Т-2020/29	F ₄ Т-12/06/16 х Султон	39,2	35,0	5,6	120	122
Т-2020/41	F ₄ Т-МВГ/16 х Султон	37,8	35,5	6,2	118	118
	С-6524 - St	33,9	34,4	5,6	117	120

Т-29/07 тизмаси 2020 йилга келиб “Ташилотлараро комиссия”нинг хулосасига кўра давлат нав синов участкасига С-7316 нави сифатида тақдим этилган.

5-жадвал

Янги яратилган С-7316 ғўза навининг конкурс (катта) нав синови натижалари

№	Кўрсаткичлар	бир лик	«С-7316»				Андоза нав С-6524				Навинг андозага таққосланиши %, бошқа кўрсаткичлар
			Йиллар				Йиллар				
			2017	2018	2019	ўртача	2017	2018	2019	ўртача	
1.	Умумий пахта ҳосилдорлиги	ц/га	36,5	33,8	37,8	36,0	34,7	33,7	36,3	34,9	103,1
2.	Баҳолаш мезонлари (НСР)										
3.	Совуқдан олдин йиғиб олинган ҳосил	ц/га									
4.	Тола чикими	%	38,0	35,3	35,9	36,4	35,9	32,6	33,4	33,9	+2,5
5.	Тола ҳосили	ц/га									
6.	Умумий тола ҳосили	ц/га	12,5	11,9	13,6	12,7	11,6	11,0	12,1	11,5	110,1
7.	Толанинг сифат кўрсаткичлари										
	а) зрелость	Коэф									
	б) микронейр	Мис	4,5	4,5	4,7	4,5	4,7	4,6	4,8	4,7	-0,2
	в) штапел узунлиги		35,0	34,7	37,0	35,6	33,5	34,9	34,7	34,4	+1,2
	г) узулиш кучи	г/с	33,0	30,2	35,9	33,0	30,8	29,2	32,6	30,8	+2,2
8.	Тезпишарлиги	кун	114	113	111	113	110	115	110	112	-1
9.	Бир дона кўсақ оғирлиги	гр	6,0	5,5	6,5	6,0	5,5	5,3	6,0	5,6	+0,4
10.	Уруғ ҳосилдорлиги	ц/га									
11.	1000 чигит вазни	Г	121	120	123	121	115	118	118	117	+4,0
12.	Чигит мойдорлиги	%									

Синов натижаларига кўра, Т-29/07 тизмаси IV-типга мансуб андоза С-6524 навидан тезпишарлиги бўйича 2 кун, пахта ҳосилдорлиги бўйича 1,1 ц/га, тола ҳосилдорлиги бўйича 103,1% га, битта кўсакдаги пахта вазни белгиси бўйича 0,4 г гача, тола чиқими бўйича 2,5 %, тола узунлиги бўйича 1,2 мм устунлик қилганлиги аниқланган (5-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

1. Илк маротоба, топкросс дурагайлаш услуги орқали турлараро мураккаб дурагайлашдан яратилган янги 17 та интрогрессив ғўза тизмаларининг асосий хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий комбинатив қобилияти (УКҚ)га баҳо берилди.

2. Ўрганилган интрогрессив ғўза тизмалари орасидан Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16 ва Т-1979/16 тизмалари “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” даври ҳамда тола чиқими ва узунлиги бўйича, Т-4679-81/16, Т-200/16 ва Т-12/06/16 - “ниҳол униб чиқиш-50% пишиш” даври ва тола чиқими бўйича, Т-4684-86/16, Т-4679-81/16, Т-БСГ/16 ва Султон нави бир дона кўсак вазни бўйича ҳамда барча тизмалар 1000 дона чигит вазни бўйича юқори УКҚ эга донорлар эканлиги аниқланди.

3. Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида олинган F_1 дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгилар бўйича чатиштиришда иштирок этган ашёлардаги белгиларни назорат этувчи генларга боғлиқ равишда, барча хилдаги, яъни, ижобий ва салбий оралик, тўлиқ доминантлик ҳамда гетерозис тарзидаги ирсийланиш юз бериши аниқланди.

4. Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокидаги F_2 - F_3 дурагайларида тола чиқими, тола узунлиги ва 1 дона кўсак вазни каби белгилар бўйича кенг ўзгарувчанлик юз бериши аниқланди ҳамда ушбу белгиларнинг юқори кўрсаткичига эга бўлган ижобий рекомбинантларни танлаш ва авлодини ўрганиш орқали қимматли селекцион ашёлар яратиш мумкинлиги тасдиқланди.

5. Тола чиқими ва тола узунлиги орасида кучсиз ва ўрта ижобий корреляцион боғлиқлик F_3 Т-БСГ/16 х Султон ($r=0,32$), F_3 Т-1979/16 х Султон ($r=0,55$), F_3 Т-158/16 х Султон ($r=0,25$), F_3 Т-138/16 х Султон ($r=0,20$) ва F_3 Т-4674-77/16 х Султон ($r=0,14$) дурагайларида, тола узунлиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасида F_3 Т-200/16 х Султон ($r=0,45$) ва F_3 Т-4674-77/16 х Султон ($r=0,40$) дурагайларида ўртача ижобий корреляция кузатилди.

6. *Verticillium dahliae* Kleb. замбуруғининг аралаш ирқлари билан табиий кучли зарарланган табиий муҳитда ўрганилган ғўза тизмаларининг толерантлиги юқори эканлиги аниқланиб, вертициллёз вилтга бардошли навлар селекцияси учун бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланди.

7. Дурагайлашда иштирок этган 17 та интрогрессив ғўза тизмаларидан 16 тасида чангчаларнинг пуштлилик даражаси юқорилиги ($98,40 \pm 0,41\%$), F_1 дурагайларида пуштлилик даражаси $80,47 \pm 1,27$ - $97,40 \pm 0,44$, F_2 да - $86,54 \pm 1,28$ - $97,52 \pm 0,68$, F_3 да - $78,33 \pm 1,48$ - $98,70 \pm 0,30$ ва F_4 да - $89,43 \pm 1,60$ -

96,77±0,66% оралиғида эканлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганилган 17 та мураккаб турлараро F₄ ғўза дурагайларидан 13 та комбинацияда юқори даражадаги цитогенетик барқарорлик ва қолган 4 тасида эса, айрим яширин микромутаносибликлар мавжудлиги тасдиқланди,

8. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида юқори ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими юқори ва вертициллёз вилт касаллигига бардошли бўлган Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 тизмалари ва С-7316 ғўза нави яратилди.

9. Хўжалик учун қимматли белгилар мажмуаси бўйича юқори УҚҚ га эга бўлган Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16 ва Т-1979/16 интрогрессив ғўза тизмалари генетик-селекцион тадқиқотларда қимматли донорлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

10. Турлараро дурагайлаш борасидаги тадқиқотларда яратилган генетик-селекцион ашёларнинг морфо-хўжалик белгилари билан бир қаторда цитологик барқарорлигини мониторинг қилиб бориш тавсия этилади.

11. Тадқиқотлар натижасида яратилган Т-29/08, Т-470/1/16, Т-2020/5, Т-2020/7, Т-2020/29, Т-2020/41 тизмаларини институтнинг станцион нав синаш кўчатзорига ва янги С-7316 ғўза навини Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг турли тупроқ-иқлим шароитларидаги участкаларида кенг синовини ташкил этиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

МАТЁКУБОВ СУХРОББЕК КУПАЛОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ НА
ОСНОВЕ ГЕНЕТИКО-ЦИТОЛОГИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ
ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫХ ПРИЗНАКОВ МЕЖВИДОВЫХ
СЛОЖНЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Qx451

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Намазов Шадман Эргашевич**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эгамбердиева Саида Абдусаматовна**
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Жумашев Мамир Мусахонович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт генетики и экспериментальной биологии**

Защита диссертации состоится «19» Июля 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 по присуждению ученых степеней доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: pahtauz@mail.ru. Административное здание, 3 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована под номером № 1278). Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, библиотека. Тел.: (99897) 746-47-60.

Автореферат диссертации разослан «29» апреля 2021 года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 года).



А.Э.Равшанов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с/х.н., с.н.с.

А.Ё.Курбонов
ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с/х.н., с.н.с.

А.Б.Амантурдиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.с/х.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в хлопкосеющих странах научные исследования, направленные на развитие хлопководства, в частности на повышение урожайности и улучшение качества волокна на основе использования имеющегося генофонда хлопчатника являются актуальными. Известно, что среди более 100 хлопкосеющих стран в мире¹, по урожайности волокна высокие рейтинги занимают такие страны, как Австралия (2,3 т/га), Бразилия (1,76 т/га) и Китай (1,72 т/га), а урожайность волокна в Узбекистане составляет 0.75 т/га². Это требует усиления исследований по вовлечению диких образцов хлопчатника из генофонда хлопчатника в республике для выявления доноров с уникальными хозяйственно-ценными признаками и привлечения их в селекционный процесс.

Во многих хлопкосеющих странах мира проводятся обширные исследования по использованию различных методов гибридизации, выявлению донорских свойств образцов, относящихся к диким и культурным видам из генофонда хлопчатника, изучению цитологических и генетических характеристик полученных межвидовых гибридов, а также эффективное использование их в прикладной селекции. В результате проведенных исследований доказана возможность получения на основе метода межвидовой гибридизации новых генетически обогащенных, скороспелых, урожайных, с высоким качеством и выходом волокна уникальных гибридов и сортов хлопчатника.

В генофонде хлопчатника республики имеются множество диких и рудеральных образцов с уникальными свойствами. В частности, *G.thurberi* Tod. обладает свойством устойчивости к вертициллезному вилту и гоммозу, засухе в фазах цветения и созревания, *G.davidsonii* Kell., *G.raimondii* Ulbr., *G.klotzschianum* Anders обладают устойчивостью к колющим и сосущим вредителям, *G.trilobum* Moc. Et Sessex DG, *Skovsted*, *G.thurberi* Tod., *G.sturtianum* обладают устойчивостью к низким температурам. Дикие виды являются донорами этих полезных признаков и свойств. Поэтому ведутся исследования по привлечению доноров с уникальными признаками в процесс селекции с помощью различных методов и изучений закономерностей наследования, изменчивости и формирования у гибридов.

В целях развития работы в данной сфере в Узбекистане приобретает актуальное значение³ в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы поставленные задачи «...расширения научно-исследовательских работ по созданию и внедрению новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к почвенно-климатическим условиям».

¹ Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

² FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги давлат дастури

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан⁴ №395-II «О селекционных достижениях» от 29 августа 2002 года и «О семеноводстве» и Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2460 «О мероприятиях по реформе и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах»⁵ от 29 декабря 2015 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Местными и зарубежными учеными проводятся множество исследований по изучению генетико-цитологических особенностей межвидовых гибридов с участием диких и рудеральных образцов хлопчатника, относящихся к различным геномам, а также по использованию их в практической селекции. В частности, этими вопросами занимались P.D.Gadkari; S.Saha, D.A.Raska, D.M.Stelly, S.Manchali, O.A.Gutierrez, A.Skovsted, Л.Г.Арутюновой и др.; Ж.А.Мусаевым; А.А.Абдуллаевым; К.Ф.Гесосом; М.П.Пўлатовым; Г.Э.Кульбаевой; М.Ф.Санамьян; Ш.Э.Намазовым, С.Ф.Бобоевым; А.Муратовым, Х.Р.Содиковым и др. Сотрудники лаборатории «Генетика и цитология хлопчатника» Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка и лаборатории «Цитогенетика» Национального Университета Узбекистана проводят совместные исследования по изучению генетико-цитологических особенностей межвидовых гибридов хлопчатника.

Исходя из вышеизложенного, наши исследования направлены на оценку общей и специфической комбинационной способности по хозяйственно-ценным признакам на основе топкроссной гибридизации у новых генетически обогащенных интрогрессивных линий хлопчатника, а также на изучение различных кариотипических нарушений хромосом и закономерностей наследования, изменчивости и формирования некоторых хозяйственных признаков.

